

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

UV0107621407

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **PUDRAT SHARTNOMASI**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Asaka tumani xalq ta'limi tomonidan 02.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Asaka tuman yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:**



B.S.KIMSANBOYEV

05.12.2022

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи «Асака туман ХТБ» унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи Рахбари в/б У.Сулаймонов, бир томондан ва «Пудратчи» «NORMA QURILISH KONSALTING» МЧЖ аталувчи ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Қ.Шаропов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»нинг Асака тумани 30 – мактаб биносини капитал таъмирлаш ишларини смета лойиҳасини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қийматига асосан жорий нархларда 35 500 000 (Уттиз беш миллион беш юз минг) сўмини ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Фазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 5 банк иш кунида «Буюртмачи» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни 10 650 000 (ун миллион олти юз эллик минг) сўмини туловлар кетма кетлигига асосан олдиндан аванс тарикасида «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи, яъни 24 850 000 (йигирма тўрт миллион саккиз юз эллик) сўмини «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.5. «Буюртмачи» охириги тўловни «Пудратчи» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 5 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 5 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 5 (беш) кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши ҳаражатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси яшироқида лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

